УДК 304.44

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

А.А.Эгамбердиев

Мақолада Ўзбекистондаги олий таълим трансформацияси истиқболлари таҳлил қилинган. Муаллиф прогнозлаш методидан фойдаланган ҳолда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритган. Трансформациянинг муваффақияти унинг субъектлари киритилаётган ўзгаришларни қабул қилишга тайёр экани билан боғлиқлиги таъкидланган. Трансформация жараёнининг мантиқий якунига етмаслиги билан боғлиқ масалаларга батафсил тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: *олий таълим, трансформация, менталитет, тизим, дунёқараш, башорат*.

В статье анализируются перспективы трансформации высшегообразования в Узбекистане. Автор размышлял об изменениях в системе высшего образования, обращаясь к методу прогнозирования. Подчеркивается, что успех трансформации зависит от готовности ее субъектов принять вносимые изменения. Автор подробно остановился навопросах, связанных с тем, что трансформация не доходит до логического конца процесса.

Ключевые слова: *высшее образование, трансформация, менталитет, система, мировоззрение, прогнозирование*.

Фаннинг муҳим вазифаларидан бири башорат қилишдир. Илмий башорат шу вақтга қадар амалда бўлган жараён ва тенденциялардан келиб чиқиб, келгусидаги воқеликнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бера олишдир. Афлотун, Арасту каби буюк файласуфлар, Алишер Навоий каби мутафаккирлар асарларида ҳам башоратнинг айрим элементларини кузатиш мумкин. Хусусан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод Ширинни “ойнаи жаҳон” орқали кўриб севиб қолади. Бугунги кундаги телевидение ва интернет технологиялари айнан буюк бобокалонимиз томонидан бадиий тарзда ифодалаб берилган. Бу ўринда даҳоларнинг келажакни олдиндан кўра билиш қобилияти ҳақида узоқ мулоҳаза юритса бўлади, лекин тадқиқот мавзусидан четламаслик учун бу баҳсларни келгуси тадқиқотларда давом эттириш режа қилинган.

Тарихда илмий башоратларнинг рўй берганига оид минглаб мисоллар билан биргаликда айрим жуда йирик ҳодисалар башоратчиларнинг диққат марказидан четда қолган. Мисол учун, шахсий компьютерларнинг бу даражада оммалашуви бўйича аниқ бир башоратлар қилинмаган. Ҳолбуки, бу ҳодиса инсоният тараққиётидаги жуда йирик воқеликдир.

Прогнозлаш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар кенгайиб, ҳозирги кунда футурология фани вужудга келган бўлиб, бу фан доирасида ҳам қизиқарли тадқиқотлар олиб борилмоқда [1. Б. 90–91]. Футурологик тадқиқотлар экстраполяция методларига таянган ҳолда, шу вақтга қадар кузатилган жараёнлар кетма-кетлигидан келиб чиқиб маълум бир хулосалар чиқаришга ундайди.

Олимлар илмий башорат қилишнинг 200 дан ортиқ методлари ҳақида ёзадилар. Хусусан, ижтимоий жараёнларни башорат қилишда экстраполяция, тарихий аналогия, компьютер моделлаштириш, келажак сценарийси, экспертлар баҳоси каби методлар анча оммалашган [2. Б. 231–236]. Албатта, бу методларнинг ҳар бири ўзига яраша хусусиятга эга бўлиб, аксарият ҳолларда тадқиқот жараёнида барча методлар элементларидан фойдаланиш мумкин.

Олий таълим трансформациясига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар, уларнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, қуйидаги сценарийлар ҳақида баҳс юритиш мумкин.

Ўзбекистонда олий таълим трансформацияси натижасида олий таълим тизими глобал таълимнинг рақобатбардош таркибий қисмига айланади ва жамият ҳамда давлат-

нинг эҳтиёжлари учун замонавий кадрлар тайёрлаб беради. Бу анча оптимистик ёндашув бўлиб, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асоси Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш концепцияси ҳисобланади [3].

Концепциядаги бош масала – олий таълим билан қамровни 50 фоизга етказиш бўлиб, ушбу масалани ҳал этиш учун хусусий олий таълим муассасаларини барпо қилиш, нодавлат олий таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва мавжуд олийгоҳлардаги қабул квоталарини кўпайтириш белгилаб қўйилган. Олий таълим муассасаларидаги мавжуд ўринларнинг кенгайтирилиши ва битирувчилар сонининг ошиши иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб билан мувофиқ бўлиши керак. Ўзбекистонда меҳнат бозори, олий таълимдаги рақобат ва касбий ориентация масалалари билан илмий асосда шуғулланадиган таҳлил ёки консалтинг маркази йўқлигини, оммавий ахборот воситаларида ушбу масалалар фақатгина расмий томоннинг қарашидан келиб чиқиб ёритилишини эътиборга олсак, бу борада ечилиши зарур бўлган муайян масалалар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, трансформация жараёни ижтимоий ўзгаришларнинг бошқа шаклларидан кескин фарқ қилади. Яъни, трансформация хорижий тажриба асосида мавжуд тизимни 5–10 йилда бутунлай ўзгартиришни тақозо этади. Шу сабабли трансформациянинг муваффақияти мавжуд андозалардан қай даражада фойдаланилаётганлиги билан ҳам боғлиқдир. Хорижий тажрибани татбиқ этиш суръатлари ҳам бу жараённинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири саналади.

Бу ўринда трансформация жараёни учун шарт-шароит қачон яратилгани ва трансформациянинг ўзи қачон бошлангани ҳам жуда қизиқарли масала. Трансформация учун шарт-шароит 2016 йилнинг кузида Ўзбекистонда юз берган демократик ўзгаришлар муносабати билан бошланган бўлса, 2018–2019 йилларга келиб олий таълим соҳасини тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши муносабати билан бошланди. Демак, мавжуд ўзгаришлар жараёнини башорат қилишда 2030 йилгача бўлган муддатни эътиборга олиш зарур бўлади.

Олий таълим трансформациясига таъсир кўрсатувчи объектив омилларнинг асосийлари: давлат ресурсларининг олий таълим трансформациясига жалб қилиниши, жамият аъзоларининг олий маълумотли бўлишга интилиши ва бунинг учун ресурсларни сарфлашга тайёрлигидир. Мазкур икки омилсиз олий таълим трансформацияси амалга ошиши мумкин эмас. Биринчидан, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳалари каби олий таълим ҳам давлат томонидан молиялаштириб келинган ва давлатнинг назоратидадир. Аксарият олий таълим муассасалари давлат бюджетидан молиялаштирилади, хусусий олийгоҳлар ҳам Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифати инспекцияси лицензияси асосида иш юритади. Шу сабабли ҳам давлат сиёсатидаги эътибор олий таълим трансформациясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Иккинчи муҳим омил эса фуқароларнинг олий таълим учун вақт ва пул маблағларини сарфлашга бўлган хоҳиш-иродасидир. Маълумки, дунёнинг турли минтақаларида олий таълимга нисбатан турлича муносабат шаклланган. Энг ривожланган давлатларда ҳам, энг қолоқ давлатларда ҳам олий таълимга маълум бир маънода скептик ёндашув бор. Дунёнинг энг ривожланган давлатларида олий маълумот олмасдан ҳам фаровон ҳаёт кечиришга бўлган ишонч бўлса, жуда қолоқ давлатларда олий маълумот ҳақидаги диплом билан ҳам ҳаёт кечира олмасликка ишонч бор. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудидаги давлатларда узоқ йиллар давомида олий таълим давлатнинг монополияси бўлиб келганлиги, СССР даврида жамиятнинг олий маълумотли ҳар бир аъзоси шубҳасиз равишда ижтимоий лифт ва бошқа неъматлардан фойдаланиб келганлиги сабабли олий маълумот олишга бўлган қизиқиш жуда кучлидир. Ўзбекистонда эса мустақиллик йилларида ҳам олий таълимда квоталар аҳоли сонига нисбатан кўпаймагани сабаб жуда кучли интилиш ва қизиқиш сақланиб турибди. Тўғри, мустақилликнинг илк йилларида олийгоҳларда ўқишга бўлган қизиқиш пасайган. Бу ўша даврда бюджет ташкилотлари олдидаги иш ҳақи билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилмай қолгани ва бошқа иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлса керак. Кейинги йилларда бюджет ташкилотлари иш ҳақининг муттасил ошиб бориши натижасида ҳам олий таълимга бўлган қизиқиш янада ортди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, кейинги ўн йилликда ҳам олий таълимга давлатнинг ва жамиятнинг эътибори пасаймайди, тизимни ривожлантириш йўлидан бораверилади.

Маълумки, олий маълумотли бўлишдан ягона мақсад муносиб иш ўрнига эга бўлишдир. Бу ўринда диалектик боғлиқлик бўлиб, олий таълим муассасалари жамият ва давлат манфаатлари учун зарур бўлган кадрлар тайёрлаб берсагина улар иш билан таъминланади. Шу билан бирга ўз ўрнига эга бўлган кадрларнинг муваффақияти абитуриентлар учун ўрнак бўлади ва уларда олий таълимга бўлган қизиқиш кучайиб бораверади. Бу ўринда яна жамият аъзоларининг талаб ва истакларини коррекция қилиб турадиган консалтинг ва таҳлил марказларига эҳтиёж туғилади. Чунки талабгорлар сони кўпайган сари сифатсиз хизмат (товар) олиш эҳтимоли ҳам кўпаяди. Бир-бирининг инерцияси ҳисобига оммавий равишда, аниқ бир мақсад ва вазифасиз, стихияли тарзда олий маълумотли бўлишга интилиш давлат ва жамият ресурсларининг исроф бўлишига олиб келади, холос. Сўнгги вақтларда ижтимоий гуманитар йўналишда, хусусан, педагогика, бошланғич таълим, психология, филология, тарих ва бошқа йўналишларга ўқишга топшириб кираётган абитуриентлар сони кўпайган. На олий таълим вазирлиги, на халқ таълими, на мактабгача таълим вазирлиги бу борада битирувчиларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни объектив таҳлил қилиб жамоатчилик эътиборига ҳавола этгани йўқ. Бу йўналишда хулоса қилиш учун жараённи чуқур илмий ўрганиш зарур.

Олий таълим олишга бўлган интилиш албатта хавфсизлик томондан таъминланган бўлиши зарур. Яъни, шартнома, шартнома бўлмаганда ўқишнинг кундалик харажатларини қоплаш учун иқтисодиётимиз барқарор ишлаб туриши керак бўлади. Трансформацияга таъсир кўрсатувчи яна бир омил иқтисодий барқарорлик масаласидир. Пандемия ва ундан кейин бошланган минтақавий можаролар Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Мазкур таъсирларни юмшатиш биринчи даражали эҳтиёжлар – озиқ-овқат, коммунал хизматлар ва бошқа масалаларга таъсир кўрсатса-да, олий таълим каби утилитар бўлмаган эҳтиёжнинг давлат кафолати асосида ривожланишини белгилаб бера олмади. Шундай экан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам олий таълим трансформациясига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Иқтисодий блокдаги трансформация жараёни ҳам олий таълим ривожини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Иқтисодиётни либераллаштириш, кичик ва ўрта бизнес учун қулай муҳитни яратиш, инвестицияларни жалб қилиш ва шу кабилар янги, инновацион иш ўринларининг вужудга келишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Шундай экан, мамлакат тараққиётига тўсқинлик қилиб турган монополиялар – электр энергияси, табиий газ, ер ости бойликларини қазиб чиқариш, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги каби масалаларда иқтисодий эркинликни кенгайтириш зарурати сезилмоқда. Биргина ташқи савдодаги эркинлик ва конвертациянинг йўлга қўйилиши натижасида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида юз минглаб ишчи ўринлари яратилди ва бугунги кунда менежмент ва маркетинг соҳасидаги кадрларга жиддий талаб сезилади. Ўзбекистондаги иш ўринларини топиш билан шуғулланадиган порталнинг маълумотига кўра, энг талабгор касбларга топ-менежер, раҳбар, автосавдо ҳамда ходимларни бошқарувчилар киради [4]. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва инвестициявий муҳитни яхшилаш олий таълим муассасаларининг кадрларига бўлган талабни ошириб бораверади.

Ўзбекистонда олий таълим трансформациясининг муваффақиятли амалга ошиши бўйича сценарийнинг асосий жиҳатлари шулардан иборат бўлиб, эҳтимоллик даражасини ижобий баҳолаш мумкин.

Олий таълим трансформациясининг яна бошқа сценарийлари ҳам мавжуд. Олий таълим тизимидаги трансформация мантиқий якунига етмаслиги ва жамиятда олий таълимга бўлган талабнинг кескин камайиши билан боғлиқ сценарий ҳам маълум бир маънода долзарб аҳамиятга эга.

Маълумки, олий таълим трансформацияси хорижий тажриба асосида миллий таълим тизимига ўзгартириш киритишни мақсад қилиб олган. Асосан Ғарб давлатлари тажрибасига, хусусан, либерал қадриятларга хосланган бу ўзгаришларга жамият аъзоларининг қанчалик тайёрлиги масаласи ҳам муҳимдир. Ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш, нодавлат олий таълим ва ўқитишнинг кредит-модуль тизими

каби илғор деб ҳисобланадиган янгиликларни амалиётга татбиқ этишнинг мураккабликлари ҳам келиб чиқмоқда. Мисол учун, кредит-модуль тизими жорий этилгани, унга асосан талабага академик мустақиллик берилишига қарамасдан ҳанузгача талабаларнинг формаси, давомати каби масалалар диққат марказида турибди. Шу билан бирга, киритилаётган янгиликлар шиддати жуда юқори бўлиб, улар одатда дастлаб декларатив тарзда, яъни маълум бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосланмаган ҳолда жорий этилади ва кейинчалик унинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилади. Бу эса янги тартиб-таомилларни имплементация қилишда маълум бир мураккабликларнинг юзага чиқишига олиб келади. Хусусий олий таълим муассасалари мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, маълум бир шаҳардаги рейтинги юқори бўлмаган профессор-ўқитувчилардан таркиб топган ўртамиёна олийгоҳнинг шартнома нархи жаҳондаги етакчи университетлар учун тўлов билан рақобатлаша оладиган даражада қиммат. Мисол учун, Андижон вилоятининг Асака туманида жойлашган Варшава коллегиум деб номланган университетда асосан нафақадаги профессор-ўқитувчилар ишласа-да, талабалар учун шартнома нархи 3500 АҚШ доллари этиб белгиланган. Ушбу шартнома тўловлари ўқитувчиларнинг иш ҳақида намоён бўлмайди ва бу ўз-ўзидан ўқув машғулотларининг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, мавжуд йўналишларнинг аксариятига белгиланган сондаги талабалар кирмагани оқибатида айрим гуруҳлар шаклланмай қолгани ва ана шу гуруҳларнинг талабалари бошқа гуруҳларга қўшиб юборилгани маълум бўлди. Бу эса жамиятда узоқ йиллар давомида олий таълимдаги квоталар дефицити шароитида шаклланган таълим қадриятларига путур етиши, аксарият ота-оналарнинг олий таълимдан ҳафсаласи пир бўлишига олиб келиши мумкин. Бу борадаги энг асосий масала Ғарб моделларини мувофиқ тарзда жорий қила олмаслик оқибати ҳамда на анъанавий, на хорижий моделларга ўхшамаган, абитуриентлар ва талабаларнинг иштиёқини сўндирадиган ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, келгуси ўн йилликда олий таълим тизимидаги трансформация жараёни ресурслар етишмовчилиги ҳамда тизим регулятори фаолиятининг самарасизлиги туфайли муваффақият билан тугамаслиги мумкин ва барча белгиланган вазифаларни ижро этишга улгурмаслик ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўзбекистонда олий таълим трансформациясига субъектив омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Жараёнларни пухта таҳлил қилиш, ақл ва форсайт марказлари, консалтинг хизматларининг йўлга қўйилиши жуда катта ижобий натижа беради. “Форсайт орқали турли соҳалардаги ҳозирги ҳолат, муаммоларни аниқлаган ҳолда, унинг яқин ва узоқ истиқболига назар солиб, соҳа ривожига ҳисса қўшадиган ечимлар, йўналишлар аниқланади” [5]. Энг асосий вазифа давлат ва жамият ресурсларини беҳудага сарфламай, рўй бераётган ўзгаришларнинг тенденцияларини аниқлаб, керакли чораларни кўришга улгуриш зарур. Бу ўринда олий таълим тизимининг нуфузини ошириш учун бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Биринчидан, олий таълим муассасалари ўз брендини яратиши керак. Чунки бренд тизимни идентификация қилиш воситасидир [6.Б.3-39]. Агар олий ўқув юрти ўзи таклиф қилаётган хизматларни битта бренд остига бирлаштириб, унинг обрўсини мустаҳкамлай олса, жамоатчиликда олий таълимга бўлган ишонч юқорилашади. Ўтказилган сўровномадан ҳам маълум бўлдики, айрим талабаларни асосан брендлар қизиқтиради ва кейинчалик йўналишларни танлашади. Шу билан бирга, яна бир нозик масала – уникал номларни танлашдир. Айтайлик, жамоатчилик орасида ҳанузгача Тошкент давлат иқтисодиёт институтини “нархоз” деб номлаш урф бўлган. Халқаро илмий базалар ва расмий ҳужжатларда эса бошқача ном кўрсатилади. Бу бренднинг бўлиниб кетишига, умумий ном остида обрў-эътиборга эга бўлмасликка сабаб бўлиши мумкин. Ҳар бир вилоятда такрорланадиган, узундан узоқ номларнинг ўрнига жозибадор, муассаса миссиясини кўрсатиб бера оладиган чиройли номларни қўйиш керак. Мисол учун, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети деган ном на миллий, на халқаро майдонда жарангдор эмас. Бунинг ўрнига университет ривожига ҳисса қўшган буюк олимнинг номидан ёки Ирригация университети деган қисқа ва қулоққа ёқимли эшитиладиган номлардан фойдаланган маъқул.

Ҳозир олий таълим муассасалари узоқ йиллар давом этган квоталар дефицитидан кейинги ажиотаж даврида фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабли олий ўқув юртларига кириб ўқиш истагида бўлганлар сони жуда кўп. Келгусида кучли рақобат сабаб айрим олий ўқув юртлари фаолиятида қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин. Чунки қабул квоталари билан меҳнат бозорининг боғланмагани оқибатида талабаларнинг бир қисми амалда йўқ иш ўринлари учун ўқиётган бўлиши мумкин. Мана шундай шароитда университет нафақат билим бериши, балки меҳнат бозори ва абитуриентлар хоҳиш-истакларини ҳам мониторинг қилиши керак. Шунинг учун ҳам университетлар қошида ақл ва форсайт марказлари, кучли маркетинг бўлимлари фаолият кўрсатиши талаб қилинади.

Иккинчидан, халқаро алоқаларни яхшилаш зарур. Трансформация Ғарб моделларини кўчириб олиб келиш экан, албатта, унинг муваффақияти Ғарб билан алоқаларга боғлиқдир. Университетларга рейтинг балларини берадиган барча марказлар Ғарбий Европа ва АҚШда жойлашган. Шундай экан, ривожланган давлатлар билан яқин алоқада бўлиб туриш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги глобаллашган дунёда олий таълим муассасалари бир-бирига яқин бўлган хавф-хатарларга тўқнаш келади ва бозор коньюктурасидаги қулайликлар ҳам ўзаро бегона эмас. Мисол учун, пандемия шароитида бошланган масофавий таълим билан боғлиқ илғор тенденцияларни билиш учун Ўзбекистон чет эллардаги етакчи олий ўқув юртлари билан шу вақтга қадар яқин алоқаларни ўрнатган бўлиши зарур эди. Ўзбекистонда халқаро алоқаларни примитив тарзда тўсиб турадиган бош омил тилларни билиш даражасидир. Инглиззабон давлатлар билан тарихий алоқаларнинг жуда камлиги бу тилни ўзлаштиришда жуда катта тўсиқ бўлмоқда. Бунинг устига рус тили муҳитининг шаклланган ҳам инглиз тилини ўзлаштиришга ғов бўладиган омилдир. Чунки ҳамма ўқитувчилар ҳам рус тилини пухта ўзлаштириш билан бирга, қўшимча яна бир тилни ўрганишга имконият топа олмайди. Шу билан бирга, рус тилидаги маълумотларнинг нисбатан кўплиги ҳам инглиз тилини ўзлаштиришга тўсиқ бўлмоқда. Бу борадаги энг асосий муаммо эса инглиз тилида мулоқот муҳитини яратиш масаласидир. Таълим мақсадларига бағишланган Левен комюникесида: “Талабалар, тадқиқотчилар ва олий ўқув юрти ходимларининг мобиллиги ва халқаро ҳамкорлиги таълим дастурларини ва тадқиқотларнинг сифатини оширади. У Европа олий таълимининг академик ва маданий байналмилаллашувини кучайтиради. Мобиллик шахс ривожида ва ишга жойлашувида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бошқа маданиятларнинг турфа хиллигига ҳурмат туйғуларини шакллантиради” [7. Б. 160] деб қайд этиб ўтилган. Ҳозирги кунгача олий таълим тизимида муҳокама қилиб келинаётган соқол ва рўмол каби маиший масалаларнинг ечими талабалар ва профессор-ўқитувчиларга бошқа маданиятлар билан мулоқотни таъминлашдир. Бошқа халқларнинг маданиятини кўриб, ўз маданий идентификациясига эга бўлган шахс аввало ташқи кўриниш каби масалаларга узоқ тўхталмасликни ўрганса, иккинчидан, ўз миллий қадриятларимиз ва одатларимизга ҳурматни, бошқа маданиятлардан ўз маданиятимизнинг фарқланишини тушуниб ета бошлайди. Демак, университетларнинг мобиллиги масаласи жуда долзарб бўлиб, Ўзбекистонда бу борадаги ишларни намунали деб бўлмайди. Гарчи, “Эл-юрт умиди” фонди орқали чет элларга талабалар ва ўқитувчилар юборилаётган бўлса-да, жойларда, хусусан, ўзини ўзи молиялаштиришга ўтган университетларда ташаббускорлик етишмайди. Алоҳида қарор билан ўзини ўзи молиялаштиришга ўтган университетларнинг харажатидан камида 10 фоизини контингентни хорижда ўқитиш ва хориждан профессорларни олиб келиш учун сарфлашга ажратишни белгилаб қўйиш зарур.

Пандемия сабаб академик мобилликнинг молиявий жиҳатдан анча қулай кўриниши бўлган хорижий профессорларни ва талабаларни Ўзбекистонга жалб қилиш ишлари ҳам тўхтаб қолди. Эндиликда ушбу масала бўйича ҳам ишларни жадаллаштириш, хориждан келиб ишлаётган профессор-ўқитувчиларга маълум бир шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, табиий ва тиббиёт фанлари доирасида энг илғор лабораторияларни ташкил қилиб, уларга чет эллик олимларни таклиф қилиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

Ҳозирги кунда фанлараро интеграция кучайган бир шароитда битта лабораторияда туриб кашфиёт қилиш мумкин эмас. Сўнгги йилларда Нобель мукофотини олган аксарият соврин-

дорлар халқаро илмий дастурлар доирасида бажарилган ишлари учун мукофотланган. Шундан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари халқаро ҳамкорликни муҳим йўналишга айлантириши керак.

Ҳозирги трансформация жараёнининг муваффақиятини таъминлаш учун беш йил ичида университетлар раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларини чет элда турли муддатга малака оширишини ташкил қилиш зарур. Шу жумладан, талабаларнинг ҳам олий ўқув юртлари билан мобил ҳамкорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, олий ўқув юртлари битирувчилар билан ишлашни ўрганиши керак. Ҳозирги кунда университетлар давлат бюджетидан молиялаштирилгани сабабли амалда абитуриентлар учун кураш кетмайди. Бу эса ўз навбатида ўқитиш сифати ва битирувчилар билан алоқага ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ҳамма олий ўқув юртларида унинг юзи бўлишга арзийдиган машҳур битирувчилари бор. Бундан ташқари ҳар бир битирувчи билан ташкил қилинадиган жамоатлар маълум бир маънода университет учун юмшоқ куч вазифасини ўтайди. Яъни, улар университетларнинг, олий таълимнинг тарғиботчилари, жамият ўртасида унинг миссиясини тарқатадиган субъектларидир.

Тўртинчидан, ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилган барча олий ўқув юртлари ўзўзини молиялаштиришга ўтган-ўтмаганидан қатъи назар, уларнинг фаолияти кафолати давлат бюджети маблағлари билан таъминланиши керак. Олий таълим шунчаки касб-ҳунар ўргатиш маскани эмас, балки давлат сиёсати шаклланадиган, унинг конституциявий асосларини мустаҳкамлайдиган, иқтисодий ва маданий қадриятлар яратиладиган маскандир. Бу жараённи тўлиқ тижоратлаштириш миллий хавфсизликка таҳдидларни вужудга келтириши, турли деструктив кучларнинг фаоллашувига сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1. *Пирожкова* С.В. Прогнозное обеспечение развития ИИ-технологий: прогнозирование vs. футурология / Искусственный интеллект: философия, методология, инновации. Сб. тр. IX Всерос. конф. студентов, аспирантов и молодых ученых (г. Москва, МИРЭА, 10–11 дек. 2015 г.). – Москва, 2015. – С. 28–34.

2. *Гинис Л.А.* Обзор методов научного прогнозирования // Известия Южного федерального университета. Технические науки. – 2009. – № 92 (3). – С. 231-236.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони // URL: https://lex.uz/docs/4545884

4. Поиск работы в Ташкенте и Узбекистане // URL: https://www.rabota.uz/

5. *Абдураҳмонов И.* Ўзбекистондаги ОТМлар қошида келажак соҳаларни таҳлил қилиб борувчи “Форсайт марказлар” очилади // URL: https://kun.uz/news/2022/04/27/ozbekistondagi-otmlar-qoshida-kelajak-sohalarni-tahlil-qilib-boruvchi-forsayt-markazlar-ochiladi-ibrohim-abdurahmonov (Мурожаат этилган сана: 10.05.2022).

6. *Старов С.А.* Бренд: понятие, сущность, эволюция // Вестник Санкт-Петербургского университета. Менеджмент. – 2008. – Сер.8. Вып. 2. – С. 3-39.

7. Болонский процесс 2020 – Европейское пространство высшего образования в новом десятилетии // Высшее образование в России. 2009 - № 7. – С. 160.

8. *Пирожкова С.В.* Синонимичны или антиномичны понятия «прогнозирование» и «футурология»? // Философия. Толерантность. Глобализация. Восток и Запад – диалог мировоззрений: тез. докл. VII Рос. филос. конгр. (г. Уфа, 6–10 окт. 2015 г.); В 3 т. Т. I. – Уфа, 2015. – С. 90–91.

9. *Калюжина К.* Проблемы современного высшего образования: философский анализ // Вестник КГУ. – Курган, 2017. – № 1. – С. 84-88.

10. *Грицкевич Т.И.* Реформационный процесс как субъект-объектное взаимодействие: Автореф дисс… уч. степ. док. фил. наук. – Новосибирск, 2010. – 46 с.

PROSPECTS OF THE TRANSFORMATION OF HIGHER EDUCATION IN UZBEKISTAN

A.A. Egamberdiev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 5-12.

[1]Andijan State Pedagogical Institute, Andijan city, Dustlik street 4, 170100 (Uzbekistan). E-mail: anddupi@edu.uz

Keywords: higher education, transformation, mentality, system, outlook, prediction.

One of the important tasks of science is prediction. Scientific forecasting is the ability to show the main directions of the future reality based on the processes and trends that have been in effect until now. Scientists write about more than 200 methods of scientific prediction. In particular, methods such as extrapolation, historical analogy, computer modeling, future scenario, and expert assessment are very popular in predicting social processes.

As a result of the transformation of higher education in Uzbekistan, the higher education system will become a competitive component of global education and prepare modern personnel for the needs of society and the state. The expansion of available places in higher education institutions and the increase in the number of graduates should be consistent with the demand in the real sector of the economy.

It is known that the process of transformation is very different from other forms of social change. That is, transformation requires a complete change of the existing system in 5-10 years based on foreign experience. Therefore, the success of the transformation depends on the extent to which the existing models are used. The rate of implementation of foreign experience is also considered one of the factors influencing the effectiveness of this process.

The main objective factors affecting the transformation of higher education are: the involvement of state resources in the transformation of higher education, the desire of society members to obtain higher education and the willingness to spend resources for this. It can be concluded from the above that in the next decade, the attention of the state and society to higher education will not decrease, and the system will continue to develop.

The main issue in this regard is the consequence of not being able to implement Western models in an appropriate manner, and it can also create situations that are not similar to traditional or foreign models, which discourage applicants and students.

It can be concluded from the above that the transformation process in the higher education system in the next decade may not end successfully due to the lack of resources and the ineffectiveness of the system regulator, and it is also possible that it will not be possible to fulfill all the specified tasks.

References:

1. Pirojkova, S.V. (2015) Prognoznoe obespechenie razvitiya II-tekhnologij: prognozirovanie vs. futurologiya [Predictive support for the development of II technologies: forecasting and futurology]. In: *Iskusstvennyj intellekt: filosofiya, metodologiya, innovacii* [Artificial intelligence: philosophy, methodology, innovations]. Proceedings of the IX All-Russian Conference of Students, Postgraduates and Young Scientists. Moscow. Pp. 28-34.

2. Ginis, L.A. (2009) Obzor metodov nauchnogo prognozirovaniya [The review of methods of scientific forecasting]. *Bulletin of the South Ural State University. Engineering sciences*. No 3. P. 231-236.

3. *O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida* [On the approval of the Concept of the Development of the system of Higher education in the Republic of Uzbekistan until 2030]. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5847 dated October 10, 2019. URL: https://lex.uz/docs/4545884

4. *Poisk raboty v Tashkente i Uzbekistane* [Job search in Tashkent and Uzbekistan]. URL: https://www.rabota.uz/

5. Abdurakhmonov, I. (2022) *O‘zbekistondagi OTMlar qoshida kelajak sohalarni tahlil qilib boruvchi “Forsayt markazlar” ochiladi* [Foresight centers will be opened at the universities of Uzbekistan, analyzing the industries of the future]. URL: https://kun.uz/news/2022/04/27/ozbekistondagi-otmlar-qoshida-kelajak-sohalarni-tahlil-qilib-boruvchi-forsayt-markazlar-ochiladi-ibrohim-abdurahmonov (Date of Access: 10.05.2022)

6. Starov, S.A. (2008) Brend: ponyatie, sushchnost, evolyuciya [Brand: concept, essence, evolution]. *Bulletin of St. Petersburg University. Management*. 2. Pp. 3-39.

7. (2009) Bolonskij process 2020 – Evropejskoe prostranstvo vysshego obrazovaniya v novom desyatiletii [The Bologna Process 2020 – The European Higher Education Area in the new decade]. *Higher Education in Russia*. 7. Pp. 156-162.

8. Pirozhkova, S.V. (2015) Sinonimichny ili antinomichny ponyatiya «prognozirovanie» i «futurologiya»? [Are the concepts of ‘forecasting’ and ‘futurology’ synonymous or antinomic?]. In: *Filosofiya. Tolerantnost. Globalizaciya. Vostok i Zapad – dialog mirovozzrenij* [Philosophy. Tolerance. Globalization. East and West - a dialogue of worldviews]. Abstracts of the VII Russian Philosophical Congress. Vol. 1. Ufa, Pp. 90-91.

9. Kalyuzhina, K. (2017) Problemy sovremennogo vysshego obrazovaniya: filosofskij analiz [Problems of Modern Higher Education: Philosophical Analysis]. *Bulletin of Kurgan State University*. 1. Pp. 84-88.

10. Grickevich, T.I. (2010) *Reformacionnyj process kak subjekt-objektnoe vzaimodejstvie* [Reformation process as a subject-object interaction]. Abstract of the dissertation of Doctor of Philosophical Sciences. Novosibirsk.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ЭГАМБЕРДИЕВ Азизбек Абдумаликович – фалсафа фанлари доктори, Андижон давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти. E-mail: aziz_botir@mail.ru